



Тасвир

САЙЛОВ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТАДИ

Жумҳуриятимизда биринчи марта шу йилнинг 29 декабрь куни бўлиб ўтадиган Президентлик сайловига тайёргарлик ишлари қизғин бошлаб юборилди. Барча жамоат ташкилотлари қатори Фарғона шаҳар ИИБ шахсий таркиби ҳам бу тадбирга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Яқинда бу ерда йнгилиш бўлиб ўтди. Унда президент сайлови катта сиёсий аҳамиятга эгаллиги, уни тинчлик, барқарорлик асосида ўтказиш ниҳоятда муҳимлиги таъкидланди.

Сайловга тайёргарлик жараёнида ва у ўтадиган куни жамоат тартибини сақлаш, тартибли ўтишини таъминлаш милиция участкаси раҳбарлари зиммасига юклатилди. Бу борада милиция майорлари А. Жабборов, Ғ. Йўлдошев, М. Мирзаевлар олиб бораётган ишлар диққатга сазоворлиги таъкидланди. Ҳозирданоқ улар бошчилигидаги участка вакиллари давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамламоқдалар, жамоатчилик асосида навбатчилик қилиш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, Фарғонада 29 декабрь куни бўладиган сайлов тинч ва муваффақиятли ўтади.

А. АҲМЕДОВ.

Қ И С Қ А САТРААР

Тошкент вилояти бўйича моддий-товар бойликларини олиб чиқиб кетилишини назорат қилувчи давлат инспекцияси ноябрь ойида бир неча миллион сўмлик маҳсулотларни тўхтатиб қолди.

Ишчи гуруҳлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган вилоят ИИБ оператив штаби ўтказган тадбирлар самарали бўлди. Улар 20 минг сўмлик савдодан беркитилган молларни аниқладилар. 111 нафар олибсатардан 17 минг сўмлик камёб моллар мусодара қилинди. 32 та майда олибсатарлик фактлари қайд этилди.

Чирчиқлик Тожиғул А. «Стюардесса», «Полёт» сигареталарини беомалол сотаётганида қўлга тушди. Текширилганда унинг ёнидан 67 қути сигарет чиқди. Уз тамаки фабрикасига эга бўлмаган бу аёл шунча сигаретларни қаердан олди экан?

Чирчиқлик А. Делонер ҳар бири 84 сўм турадиган шарбат эзувчи станокни Т. Цойга 300 сўмдан пуллаган. Олибсатар Т. Цой шу жойининг ўзидаёқ унинг донасини 400 сўмга чиқариб сотаётганида қўлга тушди.

М МИРКАРИМОВ



Милиция сержанти Алижон Далимов Ғалаба тумани ИИБ ДАН йўл-патрул хизматида ишлаётганига икки йил бўляпти. Утган вақт мобайнида ўз касбининг барча сир-синоатларини яхши эгаллашга, ўрганишга улгурди. Шу сабабдан бўлса керак, касбдошлари орасида обрў-этиборга эга.

СУРАТДА: зийрак ДАН ходими А. Даминов ҳайдовчи ҳужжатларини текширмоқда.

М. ҲАКИМОВ олган сурат.

СУД ТОШКЕНТГА КЎЧДИ

Маълумки, Ўзбекистон Олий Кенгашининг охириги сессиясида Президент Ислом Каримов ССЖИ Олий Судига мурожаат қилгани, унда Аҳмаджон Одилонни айблаш бўйича жиноий ишнинг Тошкентга кўриш зарурлигини таъкидлагани ҳақида халқ ноибларини хабардор қилганди.

Салкам етти йил давом этган терговдан сўнг бу иш шу йил баҳорида Москва

шаҳрида ССЖИ Олий Суди томонидан кўриб чиқила бошлаганди. Айрим сабаблар билан суд ишида бир неча марта танаффус эълон қилинди.

Мана ниҳоят Президент аралашувидан сўнг ишни кўриш Тошкентга кўчирилди. 3 декабрь куни ССЖИ Олий Суди жиноий ишлар судлов ҳайъатининг сайёр мажлиси ССЖИ Олий суди аъзоси А. Бризицкий раис-

лигида очилди. Суд мажлисида давлат айбловчиси сифатида ССЖИ Бош Прокурорининг ёрдамчиси В. Гусакон, ҳимоячи сифатида эса адвокат Р. Едгоров иштирок этмоқда.

Иш бўйича беш айбланувчи жавоб бераётган суд мажлисида гувоҳлар сўроқ қилинмоқда.

Келгуси сонларимизда суд мажлисини батафсил ёрйтиб боришга ҳаракат қиламиз.

Ғ. ЖҲРАЕВ.

АКС-САДО

«ХАЛҚ ҚАЧОНГАЧА ҚИЙНАЛАДИ?»

«Постда» рўзномасининг 19 ноябрь кунги сониде журналист Дилмурод Саидовнинг Тошкент шаҳар ички ишлар, савдо ҳамда деҳқон бозорлари бош бошқармалари раҳбарларига очиқ хатини зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим.

Бу йигитнинг аввалги чиқишлари билан ҳам мунтазам танишиб борар эдим. Аммо бу сафаргиси ҳаммасидан ҳам ўткир экан. Оғзидаги луқмасини ҳам миннат билан чайнаётган халқнинг энг оғриқли дардини кўтариб чиқибди, худо умрини берсин.

Ҳозирги кунда ўртамеъна бир фуқаро 200-300 сўм маош оляпти, 400 сўм олаётгани ҳам бор. Бир қарашда бу пул катта кўринида. Яқин-яқинларгача олий маълумотли зиёлининг иш ҳақи

ҳам бунга етмасди. Аммо... Минг афсуски, олаётган ана шу мўмай палимизнинг баракаси йўқ. Нега деганда истеъмол бозоридеги нархнаво ўсиш борасида маошини аро йўлда қолдириб кетган.

Арзимаган костюм 500 сўмдан ортиқ, одмигина пальтолар 1000-1500 сўм; оёқ кийимлари ҳам шундай.

Ўзбек халқи азал-азалдан сабр-тоқатли. Сабрнинг таги олтин, деганга ўхшаш ҳикматли иборани бошқа халқларда эшитмаганман (мутлақо йўқ, деган фикрдан йироқман). Эҳтимол нархнаводан ҳам баланд сабр-тоқатли ҳамюртларимиз яхши киймасак ҳам майли, қорнимиз тўқ бўлса бўлди, дейишар?

Водаригки, бу муаммо ҳам хавф остида қоляпти. Бизда нон ва макарон маҳ-

сулотларининг баҳоси ошмади. Аммо бозорга бориб кўрини, қўлда ёпилган кафтдеккина нон 1,5-2 сўм! Гўшт, гуруч, мойни айтмайсизми?

Тўғри, мустақил давлатимиз ҳукумати танглик шароитида бу томонларни ҳисобга олган. Аслида яшаш жойларидаги дўконлардан бундай маҳсулотларни патта (талон) бўйича олиш имконияти яратилган. Лекин бу имконият назоратнинг сустлиги туфайли кўп жойларда барбод бўляпти.

Тасаввур қилинг: уйингизга меҳмон келди. Худога шукур, очдан ўладиган замонда яшамаямиз ҳозирча. Дастурхонга топганингизни қўясиз. Аммо тўқлиққа шўхлик дейимизми, пул кетса ҳам обрў кетмасин, дейимизми, нима бўлганда ҳам ароқ қуйиб беришга ҳаракат қи-

ламиз. Паттани (талонни) кўтариб дўконга чопамиз. Аксарият ҳолларда бир хил жавобни эшитамиз. «Ҳозир йўқ, хабар олиб туринг, келса оласиз!»

Аммо уқувингиз ёки 5-10 сўм ортиқча пулингиз бўлса, йўқ нарса топилди. Минг афсуски, эҳтиёжингизга керакли нима нарса бўлмасин, топишда ана шундай муаммога дуч келасиз. Танишбилгилик, ошна-оғайнигарчилик, устама нарх қўйиш кучайгандан-кучайяпти. Натижада халқ икки гуруҳга ажралиб қоляпти. Биринчи гуруҳнинг шиори «Бугунги овқат — тежасан давлат».

Иккинчи гуруҳники эса «Кўрдингки текин, уравер секин!»

Журналист Д. Саидов ҳақ. Буни мутасаддилар кўриб-кўрмасликка олишяпти. Вақт тигиз. Агар бу дарднинг олди олинмаса, оқибати вой бўлади.

Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси.

Офтоб кўрмаган гуллар

Яқин-яқинларгача Советлар мамлакатига ўз жонига қасд қилганлар бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деб ҳақиқий аҳвол яшириб келинди. Чет мамлакатларда онда-сонда содир бўлиб турган бундай фактларни «капитализм иллоти» деб баҳоладик. Бу «иллат» бизда ҳам бор экан ва кундан кунга кўпайиб борапти. Бунинг сабаби нима?

Шу хусусда жамоатчи мухбиримиз Обиджон Маҳмудов кекса адлия ходими, Марҳамат тумани прокурори ёрдамчиси Назиржон Раҳимов билан суҳбатлашди.

— Ҳурматли Назиржон ака, суҳбатимизни арзимас сабабларга кўра ўз жонига қасд қилганларга бағишласак дегандим...

— Долзарб мавзунинг танлабсиз, ўз жонига қасд қилганлар кейинги пайтларда кўпайиб бормоқда. Бундай фожияларнинг ботиний ва заҳирий сабаблари бор, албатта. Ақли расо инсон ҳеч қачон бу нарсага қўл урмайди. Яшириб нима қиламиз, ҳаётимиз анча оғирлашиб қолди. Ешлар орасидаги ишсизлик, келажакка ишончсизлик, руҳий тушкунлик ҳам шу нохуш воқеаларга сабаб бўлмоқда. Лекин, кун кечириб бизнинг авлод ёшлиги давридагидай оғир эмас. Ҳар ҳолда очлик, яланғочлик каби офат ҳали бошимизга тушгани йўқ-ку? Шунингга ҳам шукур. Егани нон, кийгани уст-бош бор. Масалан, менинг болалигимни уруш тўфонлари учираб кетган. Болалик нималигини билмай, йиқилиб-туриб зўра яхши кунларга етиб келганмиз.

Уруш йиллари... Абдукарим отанинг бригадасида ўттиз кишига бир кило курмак ундан бир маҳал тушликка атала тайёрланарди. Шундан ярим кеса тегса тегар, бўлмаса уям йўқ. Ўн икки-ўн уч ёшли болалар ярим кеса аталага кун бўйи жазирама иссиқда кетмон чопардик. Атала тегмай қолиб, шудгорда очликдан ҳушсиз йиқилган тенгдошларимни эсласам, кўзларимга тирқираб ёш келади. Буғдой нонни тушимиздагина кўрардик. Бироқ шундай азобда ҳам биронтамиз жонимизга қасд қилишни ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. Унда нима сабабдан ҳозирги ешлар салгина шаббодга сарғайиб қоляпти? «Нариги ёққа кетиш учун» бўйига сиртмоқ соляпти, захар ичяпти, ўзини дарёга ташлапти... Бунинг сабаби шуки, ешларни елкамиздан туширмай катта қилдик: Ҳаёт қийинчиликларига бардош беришга, иродали, матонатли, сабр-бардошли, қаноатли бўлишга ўргатмадик. Натижада улар офтоб кўрмай хонада ўсган гулларга ўхшаб қолишди. Тувакдаги гулни офтобга олиб чиқсангиз, қуёш нурига тоб беролмай қуриб қолгандай ҳозирги ешлар ҳам салгина қийинчиликка тоб беролмаптилар, шекилли. Йигитларимиз мўрт, қизларимиз оқбилдак бўлиб ўсаяптилар, чамамда. Яна бир сабаб,

одамларда авж олиб бораётган меҳрсизлик, лоқайдлик балоси. «Одам одамга дўст, биродар» деган дабдалашиор ўз кучини йўқотди, шекилли:

— Менинг ҳам фикрим шундай. Ахир, «бир болага етти қўшни ота-она» деган халқ нақли борку! «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилда яшаш қачон жонимизга тегаркан?

— Тўғри айтдингиз. Баъзилар мушкул аҳволга тушиб қолса, уларнинг устидан қулишга ўтамиз. «Ҳой, болам, нега бу кўйга тушиб қолдинг? Дардингни олай, гапир, ёрдам берай!» — дейдиган кимсанинг топилиши қийин. Мана, бир мисол. Эндигина ўттиз баҳорни қаршилаган Х. исмли аёл эрининг зуғумлари, асосан рашк қилиб, ҳалол номини ҳаромга чиқарганига чидай олмай устига солярка қўйиб, ўзинга ўт қўйган. Яхшики эри ўчириб қолган. Ильич номли жамоа хўжалигида бу воқеадан ҳеч кимнинг хабари бўлмаган, хотин-қизлар Кенга-шининг раисаси ҳам, бориники қишлоқ Кенгаси ходимлари ҳам бу фожиядан ҳеч нарса хабарсиз қолганлар. Эшитишган! Билиб билмаганга, эшитиб, эшитмаганга солган ўзларини. Баъзилар эҳтимол: «Бир балоси бордирда, бекорга эри рашк қилмагандир», — деб йўл сийлашган. Ҳеч кимнинг иши бўлмагач, эрининг зуғуми баттар ошиб борган. Зулмларга чидай олмаган аёл бу сафар ДДТ захарини ичган... Шундан кейин ҳам жамоатчиликнинг қулони кар, кўзи кўр бўлганига нима дейсиз? Ўз жонига қасд қилганлар ўтган йили 10 тани ташкил қилган бўлса, бу йил 8 та бўлди.

— Қаранг, наҳот шунча онла кулфатда қолган бўлса? Ахир, бу ижтимоий фожия-ку!

— Аслида ўлганларнинг орқасидан гапириш гуноҳ. Аммо, ўз жонига қасд қилганлар маълум даражада худбин бўлсалар керак. Ўз ларикун ўн-ўн беш дақиқа жонлари қийналиб, сўнгра тинчийдилар. Аммо уларнинг ота-онаси, ака-укаларининг дод-фарёдлари, айрилиқ азобларининг чеки бўлмайди-ку? Улар орқасидан қолганларни ҳам куйдириб, юракларини тилкалаб, ота-оналарининг қаддини букиб кетадилар-ку: Менимча иродасиз одамларгина ўз жонларига қасд қиладилар. Жон бериш олдидан бир неча дақиқа қийналганларини ҳисоб-

га олмаганда, ўлиб кетишдан осони борми? Нима қилиш керак? Ҳар қандай вазиятда ҳам одам иродасини қўлга олиши, ўзининг ҳаёт йўлига ров бўлган шахсларга, адолатсизликка қарши курашмоғи керак. Баъзан ёмонга ёмон бўлиш лозим. Ўз қадр-қимматини, иззат-нафсини, ор-номусини ҳимоя қила олмаган одам заиф ва иродасиз одамдир!

— Умуман, ўз жонига қасд қилишнинг сабаби ва хусусиятлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўз жонига қасд қилганлар бу йил 9 ой ичида 8 та бўлиб, буларнинг учтаси 17-20 ёшдаги қизлар, бештаси 23-26 ёшдаги йигитлар. Булардан тўрттаси ўзини-ўзи осланлар, иккитаси захар ичганлар, иккитаси (фақат қизлар) ўзларига ўт қўйганлардир. Шулардан 4 киши тиббий ёрдам натижасида омон қолди, қолганлари эса ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Бу рақамларни мушоҳада қилиб нима дейиш мумкин? Авваллари жонига қасд қилиш фақат аёллар ўртасида содир бўлиб турган эди. Эндигина бу нохуш фожия эркекларга ҳам «юқди». Ўз жонига қасд қилиш ҳоллари, асосан, ота-онанинг панд-насиҳатлари оғир ботгани, руҳий хасталик, уйланиб кели билан қўшила олмагани, ўзаро оилавий жанжаллар туфайли содир этилган. Аммо уларнинг биронтаси ҳам моддий қийинчилик, яхши ҳаёт кечира олмагани учун жонига қасд қилмаган.

— Сиз ҳуқуқшунослик соҳасида катта тажрибага эгасиз, қолаверса, узоқ йиллар вилоят прокуратурасида прокурор-криминалист бўлиб ишлагансиз. Айтингчи, ўз жонига қасд қилганларга нисбатан қонуннинг муносабати қандай?

— Агар шахс бировларга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан ўзини ўзи нобуд қилса ёки ўлдиришга қасд қилса (масалан, куёв йигит келин билан қўшила олмагани оилада ўзаро жанжалга айлана, ота-онанинг арзимаган панд-насиҳатларига чидай олмай ўзини ўлдириш ва ҳақозо), унда ҳеч ким жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолларда текшириш олиб борилиб, унинг ўлимида ҳеч кимни айби йўқ, деган сабаб билан жиний иш қўзғатиш рад этилади.

— Атрофдагилардан биронтасининг маънан ёки жисмонан таъсири оқибатида содир бўлса-чи?

— Ўзбекистон Жумҳурияти жиноят мажмуасининг 87-моддасига кўра шахсни доимий равишда қувғин қилиш, бўҳтон ва ҳақорат қилиш натижасида ўз ўзини ўлдиришга, суиқасд қилиш даражасига етказиш жиноят ҳисобланади ва айбдор беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилади.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош
Обиджон МАҲМУДОВ.



Бердикул Қўчқоровнинг терговчилик лавозимида хизмат қилаётганига эндигина тўрт йил бўлди. У Тошкент давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиетини 1987 йил тугатиб, Галаба тумани ички ишлар бўлимига ишга келган эди. Орада қисқа фурсат ўтган бўлса-да, ўзи танлаган машаққатли йўлнинг анчагина ўнқир-чўнқирларини енгиб ўтди ва ўтмоқда.

СУРАТДА: Б. Қўчқоров қабулига келган йигит билан суҳбатлашяпти. Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

Зоминлик йигит

Мен Зоминдаги машҳур Шерановлар оиласининг тўнғич фарзанди, туман ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари милиция майори Барот Шеранов ҳузурда пайдо бўлганимда, бу тиниб-тинчимас зобит ўз ишлари билан гоё банд эдилар. Шу сабабдан ҳийла вақт кутиб туришга тўғри келди. Аммо бу вазиятдан сира оғринмадим, аксинча, кимларнингдир эл ташвишида куймаланиб, безовталаниб юрганидан завқландим.

Барот Шеранов ўз қўл остидаги участка инспекторларини қабул қилар, улар билан алланималарнидир узоқ муҳокама қилиб, кўрсатмалар беради, ишқилиб, ходимларининг деярли барчаси унинг қабулидан енгил тортиб чиқилар эди.

Барот Шеранов қорачадан келган, кенг яғринли одам. Аммо у киши билан бир неча соат суҳбатлашиб, беихтиёр, қаршимда Алпомиш қомат инсон ўтирганини унутдим. Барот ака ўта хушмуомала, ювош табиатли киши экан.

— Балоғатга етмаганлар

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОКОРИ

Нурмухаммад ёшлигидан бу касб эгаси бўлишни орзу қиларди. Армия хизматини ўтаб қайтгач, Тошкент шаҳар Фрунзе тумани ИИБда милиционер бўлиб ишлаш бошлади. Билиминини ошириш зарурлигини тушунган Нурмухаммад 1985 йили Тошкент олий милиция мактабига кириб ўқиди. 1989 йили уни муваффақиятли тугатиб, Қўқон шаҳар ИИБда терговчи лавозимда сидқидилдан ишлаш бошлади. Ҳар бир жиноятни очар экан воқеа тафсилотини ипидан-иғнасигача ўрганади, гумондор шахс билан савол-жавобни ниҳоятда эҳтиёткорлик, хушёрлик ва билимдонлик билан олиб боради. У очган жиний ишларнинг бирортаси суд томонидан қайтарилган ёки қўйилган айб асоссиз, деб топилган эмас.

Шу йилнинг апрелида Қўқон шаҳрида жойлашган болалар суяк сили касаллиги санаторийси гаражидан машина эҳтиёт қўрилари ўғирланган. Бу ўғирликни очиб Нурмухаммадга топширилди.

Олиб борилган суриштирув ва текширув ҳаракатлари натижасида бир ҳафта ўтмаёқ ўғри топилди. У «Коммунизм» давлат хўжалигининг Қирқлар қишлоғида яшовчи Нуриддин Норматов бўлиб чиқди.

Қўқон шаҳар халқ суди Н. Нурматовни 3 йилу 6 ойга ахлоқ тузатиш ишларига мажбурий жалб этди.

Халқ оқолишталлиги йўлида хизмат қилаётган терговчи милиция лейтенанти Нурмухаммад Улмасов ана шундай ўз касбининг фидокори.

А. АБДУҒАНИЕВ.

ҚОҶОҚЛАР

Сентябрь ойида Уртачирчиқ туманида болалар билан боғлиқ тўртта автохалокат содир этилган. Афсуски, уларни содир этган ҳайдовчиларнинг бирортаси жабрланувчисига ёрдам кўрсатмаган. Аксинча, тезроқ жуфтаникни ростлаган.

8 сентябрь куни 11 ёшли Ш. Танибековни, 11 сентябрда Ф. Ғуломовани, 24 сентябрда Р. Расуловани, 26 сентябрда К. Усмоновни уриб юборган ҳайдовчилар ана шундай ноинсофлардан экан.

Афтидан улар жазосиз қоламиз, деб ўйлашган бўлсалар керак. Аммо туман ИИБ ДАН бўлими бошлиги милиция майори Д. Абдуқодиров раҳбарлик қилган оператив гуруҳ тез орада қоқоқ ҳайдовчиларни қўлга олди. Гуруҳ аъзолари — взвод командири милиция капитани Б. Хўжаев, милиция кичик лейтенанти Н. Мирзавалиев, милиция катта лейтенанти А. Расулов, милиция кичик сержанти М. Одилов, милиция старшинаси Ш. Эрматов, милиция капитани О. Утенбоевлар бу ишда, айниқса, жонбозлик кўрсатишди.

М. МИРСОВУРОВ.



Тошкент шаҳар Куйбишев тумани ИИБ ходимлари жиноятчилик билан курашни кучайтириш мақсадида бир хил техникадан фойдаланишмоқда. Яқинда «ИВМ РС/АТ-286» (Айбнэм писа эйти) компютери харид қилинди.

Компютерга жиноятчиларнинг белгилари, одатлари, усуллари жойлаштирилган. Жабрланувчи бундай белгилардан бирортасини тилга олса бас, ақлли техника бу кимнинг иши эканлигини бир зумда аниқлаб беради.

СУРАТДА: милиция майори Юсиф Мустафоев компютер хизматидан фойдаланмоқда.

— Наманган вилояти, суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, — деб гап бошлади вилоят суднинг аъзоси Каримжон Умаров мен билан суҳбатда, — жиноят мажмуасининг 119-1 моддаси ва 129-модданинг 3-қисми билан айбланган Маҳаммад Тожибоев, 119-1 модда билан айбланган Светлана Люгайларнинг устидан қўзғатилган жиноий ишни кўриб чиқди.

Дастлабки тергов ҳаракатларини Наманган вилояти ички ишлар бошқармасининг катта терговчиси милиция майори Муҳаммадjon Тожибоев ва бошқарманинг БХСС бўлими муҳим ишлар бўйича катта опервакили милиция подполковниги Аъзам Эшонбобоевлар ҳамкорликда олиб бордилар. Натигада келтирилган 64 минг 448 сўм моддий зарардан тергов давомида 48 минг сўми Наманган тумани Охунбобоев номи жамоа хўжалиги кассасига топширилди.

Тергов ҳаракатларининг қай тарзда ва қандай олиб борилганлиги эътиборга олиниб, Наманган вилояти ички ишлар бошқармасининг раҳбариятига ҳар икки ходими рағбатлантириш учун тақдимнома йўлланди.

Ҳаммаси Наманган вилояти ички ишлар бошқармасига 1990 йилнинг июль ойида Красноярск шаҳар Свердлов туманидаги «Восход» ширкатининг раиси И. Логинов имзоси билан йўлланган аризадан бошланди. У Наманган шаҳар Совет туманидаги «Обод» ширкатининг раиси Маҳаммад Тожибоев 5400 сўмлик қурилиш материаллари (ёғоч) олганлиги, аммо ҳозиргача пулни тўламаганлиги боис ёрдам беришни сўраган.

Аризани текшириш милиция подполковниги Эшонбобоевга топширилди.

— Ариза билан танишиб, — дейди Аъзамжон Эшонбобоев, — «Обод» ширкати ургана бошладим. Ширкатнинг вазифаси дам олиш жойларида ишлатиладиган сўри, соябон, ечиниш хоналари, ёзги уйлар ва бошқа ҳар хил ўтиргичлар тайёрлаш, сотиш экан.

Аммо бирорта дам олиш муассасаси ва бошқа ташкилот «Обод»дан бирон нарса олдим демади. Ҳатто шундай ширкат борлигини билмасликларини айтишди.

Ширкатнинг раиси — Маҳаммад Тожибоев. 1963 йилда туғилган, ўзбек, Наманган шаҳар фуқароси, маълумоти ўрта, 5 нафар вояга етмаган фарзанди бор. 1988 йил 24 октябрда Наманган шаҳар халқ суди томонидан ЖМнинг 151-моддаси билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинган. Лекин жазони ўтормаган...

Мен шу ишни чуқурроқ ўрганишга киришдим. Красноярскдаги ҳамкасбларга «Восход» ҳамда «Обод» ўртасидаги ишлар бўйича суриштирув ўтказиш учун ҳамкорлик қилиш тўғрисида хат йўлланди. Бир вақтнинг ўзига «Обод»нинг раиси жамоа хўжаликларининг биридан 60 минг сўм олганлиги ҳақида ахборот олинди. Зудлик билан «Обод»да тафтиш ўтказиш бошланди.

Тафтиш давомида ширкат 1989 йилнинг 24 январидан Совет тумани ижроия қўмитасининг 20-А-2 қарори билан Ирвадонсой дам олиш манзилгоҳи қошида ташкил этилганлиги аниқланди. Орадан икки ой ўтиб, яъни 28 март кuni ширкат раиси Наманган туманидаги Охунбобоев номи жамоа хўжалиги раиси Олимжон Соти-

волдиев билан ўзаро шартнома тузиб, 60 минг сўм пулни ширкат жорий ҳисобига ўтказган. Бир йил муддат ичида шу пулни Охунбобоев номи жамоа хўжалигига 4 фоиз фойдаси билан қайтариб беришга келишилган. Бироқ...

Пул қаерга ишлатилганлигини аниқлаш лозим. Буни тергов ҳал қилади. Тергов ишларини олиб бориш милиция майори Муҳаммадjon Тожибоевга топширилди.

Терговчи М. Тожибоев: — Юқорида айтиб ўтилгандек, бир марта судланган бўлсада, М. Тожибоевнинг ҳомийлари топилган. Совет тумани ижроия қўмитаси унга «Обод» ширкатини очишда шароит яратиб берган. Биргина булар эмас, Наманган шаҳар ширкатлар банки ва Совет тумани молия бўлими М. Тожибоев-

ўз бухгалтери Люгайни ҳам хафа қилмади. Унга 3 минг 300 сўм ширкат пулидан берди.

Светлана Люгай 1956 йили Тошкент вилоятидаги Урта Чирчиқ туманида туғилган, миллати кореец, маълумоти ўрта. Қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзанди бор. М. Тожибоев билан қонунсиз яшаб келаяпти.

26 июль куни (ўтган йилда) бизнинг қаҳрамон билан Наманган туманидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўлими қошида очилган «Эф-фент» ширкати раиси Оқтам Юсупов учрашиб қолишади. Гап орасида «Обод»нинг раиси Магнитогорск шаҳрида танишлари борлигини ва мих тайёрлайдиган станок олиб келгани кетаётганлигини айтади.

Қармоқ кўрмаган балиқ чувалчангни биттада ютади...


гиз. Мана прокурор санкцияси, танишинг...

Халқ суди ҳукми билан М. Тожибоев 10 йилу 8 ой, С. Люгай 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Кейингисининг жазо муддати уч йилга кечиктирилди.

Шу ерда мақолага нуқта қўйсақ бўларди. Аммо дилда қатлаиб ётган, айтишимиз зарур бўлган гапларимиз кўп.

Терговчи учун ушбу жиноий ишни олиб бориш, давлат пулини жамоа хўжалигига, фуқаролардан олинган пулни эгаларига қайтариш осон бўлмади. У ОБХСС ходими билан бир марта, ўзи яна уч марта Красноярск, Иркутск, Тайшет шаҳарларида (40-45 градусли совуқда) тергов ишларини олиб борди. М. Тожибоев фирибгарлик йўлида ўша жойлар-

ЭРКАТОЙ ЁКИ «ИККИ КИШИЛИК ВОКЗАЛ»



О. Юсупов Тожибоевдан ўша станокдан олиб келиб беришни илтимос қилади. Ишбилармон рози бўлгач, дарров 5-сонли сохта ҳужжат тузилади-да, О. Юсупов ҳамкасбига беш минг сўм пул беради.

Иштаха ҳам ўз вақтида келади, дейдилар. «Москва» жамоа хўжалигида яшовчи Норбой Қорабоев ва Олим Хушназаровлар ўзини ширкат очялман деб таништирган М. Тожибоевга 700 сўм пул беришади. Уларнинг мақсади янги очилаётган ширкатда ишлаш эди.

Ёғоч қидириб юрган тўрақўрғонлик Нурилла Аҳмедов ва наманганлик Ғиёсиддин



Раҳимовлар ҳам 100 сўмданга тушишди.

— 1990 йил 21 ноябрь кuni А. Эшонбобоев билан уни қўлга олишга бордик, — давом этади терговчи, — уйдагилар кореец хотининикида бўлса керак дейишди. Уэр сўраб, Совет туманида яшовчи Светлана Люгайникига бордик.

Аёл билан савол-жавобимиз қисқа бўлди. — Қаерда? — Вилмайман, у бу ерда яшамайди.

Чидам билан кутдик. Вазифамиз шундай. Ниҳоят, А. Эшонбобоев менга «ана келаяпти», деб ишора қилди. Раис (юзида хурсандлик, бироз «қизиқ» олганга ўхшайди) қўлида катта бўлак гўшт билан тез-тез одимлаб, қонунсиз яшаётган уйи томон келарди.

Тўхтатдик. — Гражданин, — Ҳа-а. Нимайди? — Адашмадингизми? — Йўқ. Бу мени уйим. — Сиз қамоққа олидингизми?

да ким билан учрашган, тил бириктириб иш қилган бўлса топиб, қонун асосида расмийлаштириб, судга етарли ҳужжатларни тайёрлади. 1989 йилнинг охирларида «Обод» ширкати раиси Андикон вилоят фуқароларидан 5-6 киши билан 2 та «КАМАЗ» га 20 тонна помидор ортиб, «Восход» ширкати раисининг ўринбосари Н. Редкин, таъминотчи А. Нусс билан олди-сотти қилганини ҳам фош қилди. А. Нуссдан 25 минг сўм, Н. Редкиндан 8 минг сўм ундирилди.

У анчагина қийинчиликларга дуч келди.

Тошкентдан Красноярскка иложи борича тезроқ бориш зарур бўлиб қолди. Қани энди Тошкент қўналғасидаги кассирлар қонунга асосан милиция ходимларига хизмат кўрсатишса.

М. Тожибоев икки соат навбат кутиб, смена бошлиғи қабулига кирди. Гувоҳнома, хизмат сафари ҳужжатларини кўрсатиб, билет беришни илтимос қилди. Қаёқда, бошлиқ қўлидаги ҳужжатларни ўзига қайтариб олиб юборди.

Ўзимизнинг милиция аппарати-чи? ИИБ бошлиғи бундай ишлардан ўзини соқит қилди. ОБХСС дагилар гапи-



миз ўтмайди, деб жавоб қилишди. ИИБдаги ҳамкасбларнинг кучи етмади. Охири билет ололмади, поездда кетишга мажбур бўлди. 4 соатда етиб бориш ўрнига, 4 кунда етиб борди. Асло чидаб бўлмайди. Чет мамлакатларда терговчилар учун ҳамма нарса муҳайё. Билет, самолёт, машиналар тайёр. Виза бўлса...

Неъматжон МАМАЖОНОВ, милиция майори.

Очилмай қолмади

Қўқон шаҳрида Октябрь ойида йўл-улов ҳодисаси билан боғлиқ 3 та жиноят содир этилиб, ИИБ ходимлари ҳар бирини тез фурсатда очинга эришдилар.

Шаҳар ИИБ ДАН бўлими бошлиғи милиция катта лейтенанти Б. Мадаминов бу ҳақда қўйидагиларни гапириб берди.

— Шу йилнинг 10 октябрида кеч соат 8 ларда Базилев кўчасида номатлум ҳайдовчи 1964 йилда туғилган И. Ботировни уриб юборган. Қоронғилик ва ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, воқеа жойидан жуфтакни ростлаган.

Милиция ходимлари у ерни синчиклаб кўздан кечирдилар. Машинанинг бўёғи ва синган ойна парчаларидан «ГАЗ-24» белгили улов эканлиги аниқланди. Бу ишда ЖКБ опервакили милиция катта лейтенанти А. Бобоназаров, ДАН ходими милиция лейтенанти Р. Тожибоевларнинг хизматлари катта бўлди. Жиноятчи 17 октябрь кuni қўлга олинди.

25 октябрь кuni қўқонлик О. Ҳайдаровани ўз мотороллерида уриб юбориб, жабрланувчига ёрдам кўрсатмай қочиб қолган Т. Одиловнинг жиноятини фош этиш учун 15 соат кифоя қилди. Уни ДАНБ ходими милиция катта лейтенанти Г. Жўраев, милиция сержанти А. Абдуллаевлар тутиб келтиришди.

27 октябрда шаҳарнинг Чайковский кўчасида яшовчи Ж. Мамадаломовга енгил машинаси билан тажароҳати етказган Н. Зилев жабрланувчига ёрдам беришни ҳам эп кўрмади.

Аммо воқеадан уч кун ўтгач, уйига ташриф буюрган милиция ходимларини кўриб, рангиде ранг қолмади.

Мазкур жиноятни очишда вазвод командани милиция лейтенанти О. Ақромов, қидирув бўлими бошлиғи милиция майори Х. Исломовлар кечую кундуз тинмай тер тўқдилар.

А. ҒАНИЕВ.

Вой, содда-ей

Кишининг қўли ўғирликка ўрганмасин экан. Хумори тутиб, кишини ақлдан озди-раркан.

Александр Кречетов ҳам қўли эгрилардан. Йўқса, икки бора судланган киши қора курсига яна ўтирарми-ди?

Шу йил 28 май кuni дўсти Турапов билан роса «отиб» олгач, кўнгли ўғирликни тусаб қолди. Қорақамиш даҳасидаги уйларнинг бири ёнида «Ява» мотоциклинни кўриб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди.

Мана буни омад дейдилар, деб уни ўғирлаш ниятида «Ява»га яқинлашганида, осмондан тушдими ёки ердан чиқдими, мотоциклиннинг эгаси келиб қолди.

Тегирмондан бутун чиқадиган Александр сир бой бермай унга юзланди:

— Дўстим, мотоциклинга цилиндр керакми? — Керак эдику-я, бироқ ёнимда пулим йўқ. Хоҳласанг биргаликда уйимга борамиз. Ўша ерда сотиб олишим мумкин.

— Бўпти, кетдик. Икковлон мотоциклга мингашиб Қорақамиш даҳасидаги уйлардан бирига келишди. Цилиндр олувчи мотоциклинни қолдириб, уйига кириб кетади.

Қулай фурсат етиб келганлигини сезган Александр «Ява»ни бошқа йўлакка яшириб қўйиб, ўзи гум бўлди. Орадан бир мунча вақт ўтгач, у мотоциклин Черданева-1 даҳасидаги 26-уй йўлагига киритиб қўйди. Бироқ ўғирлик мотоциклда сайр этиш Александрга насиб этмади. Милиция қўлига тушди.

М. ҲАКИМОВ.

Шанба учрашувлари

ИШОНГИНГИЗ КЕЛСА, ИШОНИНГ

МАРДЛИК

Кассани ўмарган ўғри бир ҳафта ўтгач, пул халтасини ИИБ остонасига ташлаб кетди. Буни қарангки, тийин-тийинига тегмабди. 30 минг. Фақат бир парча қоғоз қол-

дирилган. Унда эса: «Сизларни овора қилганим учун узр. Ҳамкасбим: «Милиция ўша кунлик сени тутиб олади. Уларда оперативлик зўр», деганди. Ҳайрият ундай эмас экан. Баҳсда мен ютиб, 50 минглик бўлдим».

Ишончли ходимимизнинг берган маълумотига қараганда, ўғрилар банкада маҳсус ҳисоб очишибди. Ундан асосий мақсад савдо ходимлари томонидан таланаётган камбағал бечораларга мод-

дий ёрдам бериш, уларни ноёб моллар билан таъминлаш, беҳунарларга ҳунар ўргатиб, ишга йўналтириш экан.

ҲИММАТ

Илнинг охириг яқшанбаси кунни юртимиздаги барча бозорларда нарх-наво кес-

кин пастга тушармиш. Уша кунни чайқовчилар қўлларидаги молларни энг арзон баҳода сотишга аҳд қилишибди. Шошилиғлар!

Кисавур Чўнтақбоев бекатда ногаҳон ерда қапайиб ётган ҳамёни кўриб қолди. Эгилиб қўлига олдида, бор овозича бақира бошлади: — Ҳой, одамлар, кимнинг ҳамёни тушиб қолди. Бу кимники? Эгаси борми?

Бирон зот меники демади. — Одатда уч марта сўралади. Эгаси чўқмадим, демак меники, — дедию чўнтагига солиб ғойиб бўлди.

ПАРИШОНЛИК

Кеча барча ишлаб чиқариш корхоналарида ёппасига рейд ўтказилди. Ишона-

сизми, биронта ташмачи, ўғрини тутиш насиб этмади. Демак эртага дўқонларда маҳсулотлар... Э, аттанг савдо тармоқларида рейд ўтказиш хаёлга келмабди-я...

Узимга қуйиб қўйгандек ярашадиган, хушбичим, енг-енгига тўғри келадиган битта қўйлагим бор эди. Ювилавериш титилиб кетди. Қайси дўқонга сизм қоқиб,

бичими, газмоли, ўлчови, рангини айтиб буюртма берсам, дидимдаги қўйлакни келтириб беришармикини?

МУРАББИЙ

Умрининг 25 йилини қамоқхоналарда ўтказган Тутқунбой Маҳбусбоев озодликка чиққач, ёшлар олдида тарбиявий мавзуда қатор маърузалар қилишни режалаштирмоқда. Чунончи «Қа-

моқхона овқатининг маҳбус ошқозонига таъсири», «Маҳбуслар этикаси», «Озодликнинг қадри», «Сохта кўз ёшлари ёки маҳбуснинг астойдил тавба-тазаррулари», «Очиқдаги турмуш қийинчиликлари», «Епиқдаги тарбиявий ишларнинг маҳбус онгига таъсир даражаси» ва ҳақозо-ҳақозолар.

ЎҚИНГ, ҚЎЛЛАНГ

Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятида ишлатиладиган ўрнеча сўзларнинг таржимасини бериб беришга қарор қилдик. Луғатин тузишга барча қизиққан рўзимасевоарларин таклиф этамиз.

- Абзац — хатбоши, сатрбоши
- Аванс — насия
- Автобиография — таржиман ҳол
- Автор — муаллиф
- Агент — жосус, айғоқчи
- Агония — талваса
- Агрессивно — тажовузкорона, босқинчиларча
- Ад — дўзах, жаҳаннам
- Адвокат — ҳимоячи, оқловчи
- Административно-территориальный — маъмурий-ҳудудий
- Администрация — маъмурият
- Адрес — манзилгоҳ
- Азарт — қизгин, жўшқин
- Аккордный — ишбай
- Акт — ҳужжат
- Актив — фаол
- Алиби — далил

- Алимент — нафақа
- Алкоголизм — ичкиликбозлик, пиёнисталик
- Алкоголик — пиёниста
- Алмаз — олмос
- Алтарь — меҳроб
- Алчность — очкўзлик, таъмагирлик
- Алчний — очкўз, очофат
- Амнистия — авф
- Аморальность — ахлоқсизлик, ахлоқий бузуқлик
- Аморальный — ахлоқсиз, ахлоқи бузуқ
- Амулет — тумор, кўзmunчоқ
- Анализ — таҳлил
- Аналогичный — ўхшаш, монанд, шунга ўхшаш
- Ангел — фаришта, малак
- Анекдот — латифа
- Анонимное письмо — юмалоқ хат
- Антикварный — қадимий, ноёб, қимматбаҳо
- Аорта — шоҳтомир
- Апатичность — ҳафсаласизлик, ўта лоқайдлик
- Апеллировать — шикоят, ариза, ҳавола қилмоқ

ЎТ УЧИРУВЧИЛАР ҲАҚИМАСИН

Езининг ойдин, илиқ тунларининг бирида маҳалла қайсидир қўшнимизнинг фарёидидан оёққа турди. Шартта ўрнимдан сакраб деразадан қарасам, қўшнимизнинг уйи ёяпти. Зудлик билан ўт ўчириш қисмига сизм қоқдим.

- Алло, бу «01» ми?
- Ҳа, нима ишингиз бор эди?
- Қўшнимизнинг уйига ўт тушди.
- Қайсисиникига?
- Кўчамиз рўпарасидаги.
- Уйланганими?
- Ҳа, уйланган, 2 ой бўлди.
- Болалари борми?
- Нималар деяпсиз? Одам боласи икки ойда туғилмайди-ку!
- Қанақа тушунмаган одам-

сиз. Мана бизнинг қўшнимиз уйланганди. Хотини роса бир ой ўтиб кўчқордек ўғил туғиб берди. Майли, асосий гапга ўтайлик, қўшнингизнинг уйи ҳалиям ёнаяпти?

— Томидан деворига ўтди.


ЎТ ТУШДИ

- Девори ғиштданми, синчданми?
- Узим ҳашарида бўлганман, синчдан.
- Қачон қурилган?
- Бунинг нима аҳамияти бор. Тезроқ келсангизчи. Ҳозир тамом ёниб бўлади.
- Ўт ўчирувчи сизми, бизми? Ахир, билишимиз керакда. Қурилганига кўп бўлган

бўлса, ёғочлари обдон қуриган, тез ёнади, шунга қараб биз ҳам тез борамиз. Яқинда қурилган бўлса, шошилиш шарт эмас. Бу ўйда неча киши яшайди?

- Э, кўпчилик.
- Кўпчилик бўлса, нима қилиб ўтиришибди?
- Учиршяпти, челақларда сув ташиб.
- Ҳозир борамиз. Мен ўт ўчирувчиларга атай, машинага сув тўлдиришсин. Айтгандай, нечанчи уй?
- Э, батамом ёниб бўлди. Энди келишингиз шарт эмас.
- Жуда галати одам экансиз-ку. Унда нега ёрдам сўрадингиз? Ҳали жавоб берасиз.
- Мен эмас, сиз жавоб берасиз энди.
- А-а...

Маҳкам ҲАКИМОВ.



ТАБИАТ МЪЪЖИЗАСИ. Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ҚАТРА

Ҳазонрезги. Қушларнинг чугур-чугурига, одамларнинг гала-говурларига тўлган боғларда ҳазонлар ҳоким. Сарғайиб, қуруқшаган барглар дарахтлардан чирт-чирт узилиб пойимга бош урар экан, алла-нечук ҳазин ҳислар вужудини қамрайди.

Йўқ, улар ҳазон эмас, сонсиз армонлар. Бирор қароргоҳ топмаган ўйлар. Беқарор бекатларни бошпана деб билган содда йўловчи. Омонат бахт макрига учган Назокат. Моғор босган гулни чаккасига тақиб кўз-кўз қилаётган Муҳаббат. Бахтининг синиқ қиррасига урилиб юзида чандиги қолган Нафосат. Ғариб, ют-кўнгил. Жонини ҳовучлаган Ҳашамат. Либоссиз қолган Номус. Жаҳолат шодасидаги тарикдаи Зиё. Тушкунлик уммонда бир томчи Умид.

АЛДОВ

- Ойи ёруғлик қаердан чиқади, — дея қизиқсиниб сўрайди болакай.
- Осмондан.
- Қоронғилик-чи!
- Қоронғилик ҳам осмондан тушади.
- Йўқ адашдингиз, ёрдан, — дейди ўзиникини маъқуллаб ичкинитоё.

Нур БАДИА.

ЖИНОЯТ ОЛАМИНИНГ ХАНДАЛАРИ

- Қабристондаги велосипедни ўғирлаш фикри қаердан пайдо бўлди сизда?
- Мен унинг эгаси оламдан ўтибди, деб ўйлабман.

Судья савол берди:

- Шундай қилиб, сиз соқчининг ўқ овозини пасайтирувчи тўппонча билан отганингизга кирормасиз?
- Ҳаммаси тўғри, жаноби судья. Чунки яхши одамнинг ширин уйқусини бузишга ҳеч кўзим қиймади-я.
- Сиз кисавурликни ташламаганингиз учун мана эллингичи марта суд олдида жавоб бераёпсиз, бу нима деган гап ўзи! — деди хуноби ошган судья. — Сизни нима қилиш керак энди?
- Балки, кичкинагина юбилей ўтказармиз, жаноби судья, а лаббай!

- Ҳа, асти сўраманг. Мен аслида ўз қаллиғимни олиб қочиш ниятида эдим-у, лекин тарки одат — амри маҳол, деганларидай, шошқалоқлик қилиб унинг ўрнига сепини ўмариб кетибман.

— Лотар, — сўради маҳбусни кўргани келган одам, — сиз қандай қилиб турмага тушиб қолдингиз?

— Эҳ, асти сўраманг. Мен аслида ўз қаллиғимни олиб қочиш ниятида эдим-у, лекин тарки одат — амри маҳол, деганларидай, шошқалоқлик қилиб унинг ўрнига сепини ўмариб кетибман.

Рўсчадан Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ таржимаси. [«Крокодил»нинг 1991 йил 31-сонидан].

— Сен ҳали бу ерда нўп

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни
босмаҳонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир—54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
муҳбирлар бўлими — 59-26-56,
ужумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан
16078 нусхада чоп этилди.